

Изоҳлар билан фикр билдирилган АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«АНДИЖОННЕФТЬ» Акциядорлик жамияти раҳбариятига

Мен (биз), Фаргона шаҳри С.Темур кўчаси, 225 уйда жойлашган, электрон почта манзили himoyaaudit@gmail.com, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2008 йил 30 январда берилган №00467-сонли барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензияга эга, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2007 йил 17 октябрда 119-сон билан рўйхатга олинган, СТИР 204107363, банк ҳисоб рақами 20208000904195942001 «Универсалбанк» Фаргона филиалида очилган, МФО 01131 масъулияти чекланган жамият шаклидаги «**НИМОҲА-AUDIT**» аудиторлик ташкилоти аудитори Хатамов Шавкатжон Бокиевич (Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2016 йил 20 августдаги 05409-сонли малака сертификати) томонидан хўжалик юритувчи субъект «**АНДИЖОННЕФТЬ**» **Акциядорлик жамиятининг** бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларидан иборат, 31 декабрь 2017 йил ҳолати бўйича молиявий ҳисоботларини ишончлилигини мажбурий тарзидаги аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз «**АНДИЖОННЕФТЬ**» **Акциядорлик жамиятининг** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асос

2017 йил 31 декабрь ҳолатига кўра меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарздорлик аналитик ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича 1 023 777,0 минг сўмни, баланс маълумотлари бўйича 890 704,0 минг сўмни ташкил қилган бўлиб, бухгалтерия балансининг "Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз" моддаси бўйича 133 073,0 минг сўмга кам акс эттирилган. Шунингдек, 2017 йил 31 декабр ҳолатига ишчи-хизматчиларга бўнак сифатида тўлаб берилган 12 344,5 минг сўмлик дебитор қарздорлик бухгалтерия балансининг "Ходимларга берилган бўнақлар"

моддасида акс эттирилмаган. Умуман олганда, ушбу сумма молиявий ҳисоботдаги бузиб кўрсатишларнинг таъсирини баҳолаш учун ўрнатилган муҳимлилик даражасидан ошмайди.

Изоҳлар билан фикр билдириш

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр билдириш учун асос бўладиган баён этилган вазиятларнинг молиявий ҳисоботга таъсиридан ташқари, «АНДИЖОННЕФТЬ» Акциядорлик жамиятининг 31 декабрь 2017 йил ҳолатидаги молиявий ҳисоботи бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ барча муҳимлилик жihatлари бўйича унинг молиявий хўжалик фаолияти натижаларини ва молиявий ҳолатини ҳаққоний акс эттиради.

МЧЖ «НИМОҲА-AUDIT»

аудиторлик ташкилоти директори

Аудитор



Мажидов Н.

Хатамов Ш.Б.

30 апрель 2018 йил.